

Бу йилги 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни яна бир эзгулик билан безанди. Худди шу куни Тошкентнинг «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи очилди. Ушбу музей Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги нишонланадиган кунларда иш бошлаганлиги рамзий маънога эга. Халқимизнинг миллий қадр-қиммати тикланишига, ўзлигини қайтадан намоён этишига фақат Истиқлол йўли очди. Фақат Истиқлол туфайлигина биз она Ватанимиз ва халқимиз тарихи билан фахрланиш, ўтган аждодларимизнинг қутлуг хотирасини эъозлашдек юксак инсоний-маънавий имкониятларга эга бўлдик. Муҳташам «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг айнан мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинганлиги нишонланган кунда ўз эшикларини элга очганлиги бу улуг ҳақиқатни яна бир карра тасдиқлайди.

Бу музей қай тарзда дунёга келди? Ва унинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда тутган ўрни ва ахамияти қандай? Бу масканнинг мақсади нима?

Келинг, бу тўғрида унинг бунёд этилишида бевосита ва фаол қатнашган кишиларнинг ўзларидан эшитайлик, халқимиз вакилларининг дил сўзларига қулоқ тутайлик.

Дилором АЛИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти директори:

— Маълумки, тарих музейлари халқ хотирасининг ифодаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган ва шу йил 31 августда — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунида очилган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи қурувчилар, меъморлар ва тарихчи олимларнинг қизғин меҳнати маҳсули бўлди. Бор-йўғи бир йил ичида Шарқ меъморчилигининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган шундай муҳташам қошоно барпо қилинди ва қисқа муддат ичида мутахассислар томонидан катта миқдордаги тарихий материаллар, жумладан, халқимиз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зуравонликларга дучор қилинган фавқулодда қайғули даврлар — чет эл босқинчилари томонидан ўлкани мустахлакка айлантириш ва Сталин қатагонлари даврларида, шунингдек, жуда яқин ўтмиш — «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» номи остида ўтган асрнинг 80-йилларида юз берган адолатсизликларга доир ҳужжатлар, фотосуратлар, мактублар, далилий ашёлар тўпланган.

Лекин музей ташкилотчилари олдида бир муаммо қўндалан бўлди: бу мураккаб салбий ҳодисалар силсиласини қай тарзда кўрсатиш, ўша йилларнинг дахшатли воқеаларини одамларга қандай қилиб тушунарли ва ишонарли ҳолда етказиш керак, деган масала эди. Зеро, зуравонликка қарши кураш бир неча минг йиллар давомида — Аҳамонийлар ва Александр Македонский қўшинларига қаршилик кўрсатиш даврларидан бошлаб олиб борилган.

Музейни кўздан кечирав экан, мамлакатимиз Президентини бу воқеаларнинг илдишларини тарихнинг қадимий даврларидан излаш лозим, деб жуда тўғри таъкидладилар.

Дарҳақиқат, миллий тарихимиз кўз илгамас узокларга бориб тақалди ва курашларга бой. Чор Россияси ва қизил империя мустабиллиги ҳамда унга қарши миллий озодлик курашлари — шу узок тарихнинг сўнгги бир босқичидир. Демак, музейни тубдан бойитиш ва кенгайтириш устидаги ишларни даво этишимиз керак. Жумладан, озодлик ва мустақиллик учун Амир Темур даврида олиб борилган курашлар — тарихимизнинг қаҳрамонона саҳифаларини ташкил этади. Бош мафқураси мустақиллик учун кураш бўлганлиги учун ҳам Амир Темур қудратли давлатни вужудга келтиришга муваффақ бўлди. Бу унинг мўғулларни тор-мор этишига имкон берди. Лекин XVI асрдан бошлаб мамлакатнинг хонликларга парчаланиб кетганлиги, охири кўринмайдиган ўзаро урушлар, тожу тахт учун курашлар эса мамлакатни заифлаштирди ва унинг бир қадар кучли давлат томонидан босиб олинishiга шароит яратди. Ватанимизнинг беҳисоб табиий бойликлари, ҳосилдор замини, гўзал табиати, қулай минтақада жойлашганлиги ўша даврда қудратли давлатлар ниҳонини ўзига қаратди. Россия шуглар жумласидан эди. 1717 йилдаёқ Петр I Бекевич-Черкасский раҳбарлигида Хива хонлигини забт этиш мақсадида 3 минг кишилик ҳарбий экспедиция жўнатди. Хива хони Шергозиш лашкари бунга йўл бермади. Бекевич-Черкасский экспедициясининг тор-мор қилиниши Хиванинг забт этилишини 100 йил кейинга суриб юборди. Шунга қарамай, ҳаётнинг барча соҳаларидаги қолоқлик, Буюк Ипак йўлининг заифлашиши, Урта Осиё хонлиқларининг Фарб мамлакатларидан технология жиҳатидан орқада қолиши, худудда ўзаро бирдамликнинг йўқлиги, одамларнинг мутаассиблиги бу заминда тараққиётнинг кўп йилларга орқада суриб юбориш билан кифойланмай, минтақанинг тез ва осон истило қилини-

шига имкон берди. Лекин халқ бунга кўникиб қолиши мумкин эмас эди. XIX аср охири — XX аср бошида муҳим ўрин тутган миллий-озодлик ҳаракатлари тобора авж олиб борди ва улар, мана, бугунга келиб муқайда ҳар томонлама кенг аксини топди.

Бу кураш Октябрь тўнтарышдан кейин ҳам давом этди ва Туркистондаги демократик давлатчилик қурилишида илк тажриба бўлган Туркистон Мухториятининг ташкил этилишида яққол намоён бўлди. Музейдаги бир қанча фотосуратлар республиканинг большевиклар томонидан талон-торож қилиниши ҳақида ҳикоя қилади. Қўқон харобалари тасвири, 10 минглаб бегуноҳ кишиларнинг қурбон қилиниши ўз аксини топган суратлар музейга ташриф буюрганларни бефарқ қолдирмайди.

Кейинги босқич — 30-40 йиллар зуравонлик чек-чегарани билмаган ва ўз домига 60 минг деҳқонни тортиган машғум жамоалаштириш давридаги қатагонлар. Музейда бутун бошли оилаларнинг Сибирь ва Украинага сургун қилиниши тасвирларини кўриш мумкин.

Ўша даврдаги қатагонларнинг қурбонлари бўлган Фитрат, Чўлпон, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий каби машҳур кишилар, шунингдек, оддий ишчи ва хизматчиларнинг номи ва ҳаёт уларнинг айрим буюмлари ҳам шу ерда.

Мустабил тузум ва коммунистик мафқура ўзини «Ўзбек иши»нинг ташаббускори сифатида намоён қилган ва ўзбек халқига «тамага» қўйган 80-йиллар воқеалари тасвирига ҳам музей экспозицияларини ташкил этишда алоҳида аҳамият берилди. Бу ерда 25 минг бегуноҳ, оддий меҳнаткаш кишиларнинг жинсий жавобгарликка тортилганлигидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар ва статистик маълумотлар мавжуд. Уларнинг 3 минг нафаридан ортиғи турли жазоларга ҳукм қилинган. Фақат республика ҳукумати бошига янги раҳбар — И. А. Каримовнинг келиши билан айби бўлмаган ҳолда ҳукм қилинган ўн минглаб кишиларнинг озод этилганлиги ва уларнинг номи оқланганлиги тўғрисидаги ишонарли маълумотлар ҳам шу ерда тўпланган.

Музейда Истиқлол йилларида маънавий қадриятларимизни тиклаш бўйича олиб борилган катта ва муҳим ишлар алоҳида экспозицияларда акс этган. Мана, 11 йилдирки, Ватанимиз истибод қишанларидан озод. Ва порлоқ келажак сари шаҳдам қаламлар ташламоқда. Бундай тараққиётнинг тарихий заруриятини «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ўз бағридаги аччиқ ҳаётини ҳақиқатларни акс эттирувчи кўп сонли ҳужжатлар, далиллар билан яна бир бор ёрқин исботлайди.

Навми КАРИМОВ, «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси:

— Хуррият офтобидан мунаввар

бўлган мамлакатимизда жабрдийда аждодларимиз хотирасининг эъозланиши, кўни кеча «Шахидлар хотираси» зиёратгоҳининг, буюн эса «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг барпо этилиши ҳаммамизнинг қалбимизни эзгулик туғйуғлари билан тўлдириб юборди.

Тарихий ҳақиқат ва адолатнинг тикланишидан ҳам улугвор иш бўлиши мумкинми? Номлари нафақат та-

сепциясини Юртбошимиз Ислоҳ Каримов илғари сурдилар. Музейни бунёд этиш йўлида меъморлар, расомлар, қурувчиларнинг катта гуруҳи ва бир неча қурилуш ташкилотлари фидокорона меҳнат қилдилар.

Музей экспонатларини йиғиш бўйича вилоятларда экспедиция ишларини олиб бордик, вилоят телевидениелари орқали элга мурожаат қилдик. Қанча-қанча туманлар ва қиш-

лоқларни кезиб, жамғарма хазиналарини йиғишга ҳисса қўшидик.

Бугун эса музейга турли вилоятлардан, Қорақалпоғистон Республикасидан оддий одамлар, қатагон қурбонлари бўлган кишиларнинг фарзандлари ўзларида сақлаб қолган тарихий ҳужжатлар, ашёвий да-

ҳоннинг бошқа мамлакатларига олиб чиқиб кетилган ноёб архив ҳужжатларини Ватанимизга қайтариш бўйича давлатимиз томонидан улкан чора тадбирлар кўрилмоқдаки, мен бевосита шу соҳа мутахассиси сифатида бундан беҳад мамнунман. Демак, Ватанимизнинг маънавий бойликлари аста-секин ўзимизга қайтади.

Улар кун сайин кўпайиб борапти. Коллежимиз ўқувчиларини ўқув амалиётига бу даргоҳга олиб келидим. Бу музей бойлиги ўқувчи болаларимиз учун фақат касб амалиёти мактаби эмас, балки, энг аввало, маънавий, виждон тарбияси мактаби бўлажақдир. Музейда, мана, кўриб турибсиз, қанақа чўқур мазмунли, кишини ҳаяжонга солдирган архив ҳужжатлари кўйилган. Ана, пахта даласидаги аёллар, ўқувчи болалар устидан бутифос сочаётган самолёт акс этган сурат. Кўриниб турибди, собиқ қизил империяга одам эмас, пахта, бойлик керак! Ахир халқимиз меҳнат қилиб, пахта етиштириб бериб, охир-оқибатда, «Ўзбеклар иши», «Пахта иши»га дуч келишди-ку?! Энди у кунларнинг юзини тескари қилсин! Илоҳим, орқага қайтмайлик.

Музейга вилоятлардан мактаблар, лицейлар, коллежларда ўқийдиган ўқувчиларни ҳам бу музейга олиб келиб, худди шу ерда ўзига хос мустақиллик дарслари уюштирилса, бундан фақат ютамыз.

Ўткир ЕРМУҲАММЕДОВ, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ижрочи директори:

— Пойтахтимизнинг Бўзсув канали ёқасидаги 30 гектардан зиёд майдонда барпо этилган «Шахидлар хотираси» меъморий мажмуида ва бугунга келиб бу майдонда қад ростлаган «Қатагон қурбонлари хотираси» музейида элим деб, юртим деб ўзини қурбон қилган азиз сиймоларнинг ва муҳим мустабил тузумнинг бегуноҳ қурбонли бўлган оддий фуқароларнинг инсоний хотираси тикланди ва абайлаштирилди. Адолатсиз ҳатлар гувоҳи бўлган машғум, ташландик, бебайз ерлар бугун обод қилиниб, шаҳидлар руҳини шод этувчи, хотираларини боқий, этувчи обод, файзли, табаррук бир зиёратгоҳга айлан-тирилди. Халқимиз битта мана шу эзгулик учун мустақиллигимиз байроғини қайта-қайта кўзга суртса арзийди.

Энди бевосита «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг бунёд этилишига келсак, унинг гоёси ва кон-


кўриш мумкин. Уларнинг ҳаёлида, қалбидо кеча ва бугунги ҳаёт тақдоси, Истиқлолга шукроналар борлиги аён. Бунга биз айрим томошабинлар билан фикрлашганимизда ҳам ишонч ҳосил қилдик.

Мана, тошкентлик нуруний Жўраҳон ота ХўҲАҲОНОВ 30-йиллар экспозицияси олдида кетмай турибди, миждаларида ёш ятиради.

— Отам Асадулла ХўҲаҳонов «Миллий иттиҳод» партиясининг раҳбарларидан бўлган. 30-йилларда қатагонга учраб, қурбон бўлиб кетдилар. Музейда отамнинг расмини кўрдим. Ёнида ҳасалари турибди. Кўз ёши қилмай бўладими? Бу музей энди бизнинг оиламиз аъзолари, фарзандларим, невараларим учун умр бўйи энг азиз жой бўлиб қолади.

Клара АСРОПОВА, Тошкент тумани ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Мен коллежда архив ишларини юритиш бўйича дарс бераман. Архивлар — ноёб бойлик. Уларда — Ватан тарихи, халқ тақдирини яққол акс этди. Бугунги кунда бир вақтлар жа-



Ҳамиша Ёдимизда, Ёнимиздасиз



риш, музейнинг салмоғини оширишга қаратилган кўпгина қимматли фикр-мулоҳазаларни билдирдилар. Бунинг халқимиз телевидение орқали кўриб ва эшитди.

Авваламбор, мана шу зиёратгоҳни янада обод қилиш, шу масканга хос муҳитни ташкил этиш керак, — дедилар Юртбошимиз.

Ҳа, худди шундай. Масалан, қани энди, музейида унинг руҳига мос миллий мумтоз ва халқ қуйлари охида садо бериб турса.

Яна бир жиддий концептуал моҳиятга эга гоё шукки, қатагон қурбонлари деганда, фақат большевизм ёки КГБ қурбонларини эмас, балки миллимиз кўп минг йиллик тарихда бошдан ўтказган барча қирғин-қатагонлар ҳам тушунилади. Музейида шу тўғрида тасаввур берилган ҳужжат ва далилларини ҳам кўрсатиш керак.

Шундагина у халқимизнинг мустақиллик учун курашларининг буюк солномасини ўзида акс эттирган улкан аҳамиятли маърифат даргоҳларидан бирига айланиши шак-шубҳасиздир. Биз унинг экспонатлари орасида юнонлар, мўғуллар, араблар босқинчилигига қарши халқимиз баҳодирлари олиб борган курашлардаги матонат ва фидойиликларга ҳам яққол гувоҳ бўлур эдик.

Шунингдек, бизлар ҳамма нарсага мустахлакчилар кўзи билан қарашига кўникиб қолганимиз ҳам рост. Мустабиллар эса халқимизга қибро ҳаво, димоғдорлик билан, ҳатто менсимай қарашган. Биз миллий ўзгичимизга нисбатан сақлаб қолган бундай қарашларга кескин зарба беришимиз зарур. Янги-ча, овоз, соғлом қараш музей экспозицияларида ҳам яққол ўз аксини топиши керак...

Ишончимиз қомилки, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ана шу улкан гоғлар асосида яқин йилларда ўз бисотини тубдан бойитали ва фаолиятининг салмоғини янада оширади.

Дарҳақиқат, бизлар ҳамма нарсага мустахлакчилар кўзи билан қарашига кўникиб қолганимиз ҳам рост. Мустабиллар эса халқимизга қибро ҳаво, димоғдорлик билан, ҳатто менсимай қарашган. Биз миллий ўзгичимизга нисбатан сақлаб қолган бундай қарашларга кескин зарба беришимиз зарур. Янги-ча, овоз, соғлом қараш музей экспозицияларида ҳам яққол ўз аксини топиши керак...

Ватан ва халқ озодлиги, қадр-қиммати, ор-номуси йўлида ватандошларимизнинг чеккан жабру сиғамлари, бошларидан кечирган фожяларини унутмайди, эл-юрт учун олис ва яқин ўтмишда қилинган ҳар бир эзгу иш, кўрсатилган жасорат ва фидойилик ҳаминша ардоқланади.

Михли САФАРОВ.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида фаолият кўрсатган кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони ҳар 1000 кишига 5,9 тани ташкил этади, айни пайтда вилоят бўйича бу кўрсаткич 7,6 га тенг.

Хорижий кредит линияларини ўзлаштириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар сўст олиб боришмоқда. Оқибатда кичик ва ўрта табиқоркорлик субъектлари сўнги икки йил давомида маҳсулот экспорт қилмаган. Шунингдек, маҳаллий бюджетга табиқоркорлик фаолиятини тушуллар ҳамми кўпаймаётди.

Муҳокама натижаларига кўра Андижон вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимлигининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун шартот яратиш, табиқоркорликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича фаолиятни қондиқсиз деб топилади, Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани ва Самарқанд вилоятини Қўшработ тумани ҳокимликларининг ишлари эса етарли эмас деб баҳоланади.

Мажсуру тумандар ҳокимликларига кичик ва хусусий табиқоркорликни ривожлантириш бўйича кенгашларнинг кенгайтирилган мажлисларида аниқланган камчиликларни танқидий қўриб чиқиш ва уларни барқараф этишга қаратилган амалий чоралар қўриш топширилди. Ушбу тумандар ҳокимликларига инфратузилмани ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизмат кўрсатиш соҳасида хусусий табиқоркорлик, айнананан халқ хўраманчилигини ривожлантириш, табиқоркорларнинг ҳуқуқий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилди.

Мажлисда мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ахборот билан таъминлаш ва қадрлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳининг ҳисоботи тингланди. Қайд этилдики, ўтган даврда республиканинг барча ҳудудларида табиқоркорлар учун молиявий ресурслар билан таъминланган минн-технологиялар, ускуналар ва товарларнинг "MINTECH-2002" кургани ярамқаралари ўтказилди. Уларга 5,1 миң нафар кичик ва ўрта бизнес вакиллари ташриф буюрди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва табиқоркорлар палатасининг "Мақорқанд" кўптармоқли ахборот маркази маълумотлар базаси 33 миң номга эга бўлиб, товарлар, хизматлар, минн-технологиялар ҳақида ахборот берди ҳамда хорижий вақтда "Интернет" тармонига уланиган. 2002 йилнинг ўтган даврида 21,5 миң нафар табиқоркор ўқитилди. Шу билан бирга қадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш савиясининг пастлиги, табиқоркорларни масофавий ўқитиш тизими ва услублари йўлга қўйилмагани тавқидланди. Бу борадаги фаолиятни қулайтириш мақсадида кенгашнинг ишчи гуруҳига кичик ва ўрта бизнес учун консалтинг, лизинг, суурта хизматлари тизимини ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантиришни рағбатлантиришни қулайтириш ва мониторинг қилиш қадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бозор инфратузилмаси ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, масофавий ўқитиш тизимларини жорий этишга қаратилган қатор вазифаларни амалга ошириш тавсия этилди.

Шунингдек, мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида Товар ишлаб чиқарувчилар ва табиқоркорлар палатаси, Бизнес-фондининг кичик ва ўрта бизнес соҳасида чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича фаолиятни етарли эмаслиги тавқидланди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва табиқоркорлар палатаси, Бизнес-фондинга мажсуру аҳолини таъдил қилиш ҳамда кичик ва ўрта бизнес соҳасида хорижий инвестицияларни жалб этишга қўмақлаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш, бу соҳада хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган иш режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш мониторингини ташкил этиш тавсия этилди.

Мажлисда Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам қўриб чиқилди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан биринчи ярим йилда умумий қиймати 120 миллион сўм бўлган жами 88 та кредит ажратилди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига низома мувофиқ ўзига юклатилган вазифалар бажарилишини таъминлаш, Деҳқон ва фермер хўжалиқлари уюшмаси билан биргаликда деҳқон ва фермер хўжалиқларига рўйхатдан ўтиш, минн-технологияларни жорий этиш, банклардан кредит олиш, шу жумладан хорижий кредит линияларини ҳисобига кредит олиш учун ҳўжажатларни тайёрлашга хизмат кўрсатганга инфратузилма объектларини яратиш бўйича ишларни қулайтиришга алоҳида эътибор қаратиш тавсия этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

(Ў.А.)



Тўфон оқибатида...

Сўнги маълумотларга кўра, Хитойнинг Фуцзянь ва Чжецзян провинцияларида юз берган тўфон натижасида халқ бўлганлар сони 26 нафарга етган, 5 киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда, 29 киши яраланган.

"Синлаҳу" деб ном олган ушбу тўфон қарийб 7 миллион кишига зарар келтирди, 100 миңлаб уйлар шикастланди ва 170 миң гектардан зиёд ер майдонлари сув остида қолди. Умумий зарар 120 миллион АҚШ долларига тенг.

ИТВ.рунинг маълумотига кўра, ўтган шанба кўни "Синлаҳу" Тайвань оролининг шимолий қисмига ҳам катта зарар етказди.



Яна бир қўпоровчилик

Афғонистоннинг Хост шаҳридаги "Мадина" бозорида жойлашган аудио-видео кассеталар сотувчи дўконлардан бирида содир этилган портлаш натижасида 20 нафардан зиёд киши жароҳатланган.

"ИТВ.ру" ани шу ҳақда маълумот берган. Шаҳар маъмурияти вакили Муҳаммад Хон Гурбузининг фикрича, ушбу портлашга "Толибон" ёки "Ал-қоида" жангарилари дахлдор бўлиши мумкин.

Баш вазир маълум қилишича...

Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар "Бутун минтақада салбий оқибатларга олиб келиши мумкин". Салоникида ўтказилган матбуот анижуманида Греция баш вазирни Костас Симитис ани шу ҳақда маълум қилган. Унинг айтишича, Греция ушбу ақияда, БМТ маълумласагина, иштирок этади.

Шарҳловчи минбари

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин эълон қилинган телекўрсатувларни қўриб, газета ва журналларда чоп этилган мақолаларни ўқиб, дунёда Усома бин Лодиндан ваҳийроқ террорчи йўқ экан, деган хулосага келиш мумкин эди. Аммо вақт ўтгани сайин оммавий ахборот воситаларида қонхўрликда, айёрлик ва разилликда ўндан ҳеч қолишмайдиған террорчилар тўғрисидаги маълумотлар ҳам пайдо бўла бошлади. Ҳамбойли номли шахс шулардан биридир. Унинг асл исми Ризвон Исомиддин. Охириги ўн йил давомида у "Ал-Қоида"нинг Осиёдаги "миёси" бўлгани ва ташкилотнинг китъадаги барча ёвузликларни шу шахс томонидан ташкиллатирилиб, амалга оширилганини хисобга олсак, Ҳамбойлини нега АҚШ ҳамда Жануби-шарқий Осиёдаги талай мамлакатлар хавфсизлик хизматлари астойдил қидираётганининг сабаби равшанлашади.

СИЧҚОННИНГ ИНИ МИНГ ТАНГА

Ҳали қирққа ҳам тўлмаган бу шахснинг барча қилмишлари ҳақида тўлиқ ахборот беришининг ҳозирча иложи йўқ. Бирок бор маълумотлардан ҳам разиллик ва қонхўрликда Ҳамбойли ўз раҳнамоси ва устози Усома бин Лодиндан кам эмаслигини билди оёса бўлади. Бир неча йил муқаддам Жануби-шарқий Осиё минтақасида жиноятчилик авжига чиққан эди. Банк ўмарши, полиция ходимларининг жонига қаёқ қилиш, турли мамлакатлардаги террорчилик ҳаракатлари, насронийлар ва мусулмонлар ўртасидаги тўқнашулар — булар Ҳамбойли ва унинг сафдошлари томонидан амалга оширилгани исботланган жиноятлар. Исботланмаганлари қанча экани эса аниқ эмас. Ун икки фарзанднинг тўнғичи бўлган Ҳамбойлини билган, таниқларининг айтишича, бу шахс жисмонан бақувват ва ишига жуда пухта.

Малайзияда мамлакатнинг 144 ёшли — энг кекса фуқароси вафот этди.

Энг кекса фуқаро

Умар Аббос 1857 йил 26 сентябрь кўни дунёга келган бўлиб, 1998 йилда Гиннес китобига Малайзиянинг энг кекса фуқароси сифатида киритилган эди. "ИТВ.рунинг хабарига кўра, Умар Аббоснинг 4 фарзанди, 20 нафар эвараси ва 100 дан зиёд чевараси бор.



ган азоси ҳисба олинди. Бирок бу пайтга келиб асосий раҳнамо қочиб улгурган эди. Осиёдаги энг қонхўр террорчилик ташкилотларидан бири сифатида танилган "Жамоати Исломийя"ни бошқарган Ҳамбойли 1970-80 йиллар давомида Афғонистондаги жангларда фаол иштирок этган. Уша ерда у ўзининг булажак устози ва раҳнамоси Усома бин Лодин билан танишган. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарида у Малайзияга келди ва бу мамлакатдаги йирик террорчилардан бири Абу Бакр Басир билан тил топи-

рига қадар уларнинг иши юришмаган. Фақат 1994 йилга келиб, Ҳамбойли ўзининг эски алоқаларини тиклаб, молиявий аҳволини бироз ўнглашга муваффақ бўлди. Уша йилнинг июнида Ҳамбойли Валихон Аминшоҳ исмли шахс билан ҳамкорликда Малайзиядан Афғонистонга пальма ёғини экспорт қилиш билан шуғулланувчи компанияга асос солиди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу компания террорчиларни молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифасини бажарар экан. 1995 йил декабрда Валихон Филиппин авиакор-

57-сессия очилади

Бугун Нью-Йоркда БМТ Бosh Ассамблеясининг 57-сессияси очилади. Ташкилот Хавфсизлик Кенгашининг сессияда муҳим воқеалардан бири бўлиши кутилаётган маҳсул мажлиси халқаро террорчиликка қарши кураш масалаларига бағишланади. Эртага бўлиб ўтадиган ушбу йиғинда ташки ишлар вазирлари иштирок этишади.

Сайёҳлар овоз қилинди

Колумбияда Миллий овозлик армияси исёнчилари август ойида гаровга олинган 27 нафар сайёҳлардан 10 нафарини озод қилган. Исёнчилар қолган кишиларнинг яқин куларда қўлиб юборилишини ҳам маълум қилишган.

Интернетга чиқа олади

"Би-би-си" маълумотига кўра, озод қилинганларнинг 4 нафари аёл ва 6 нафари эркек кишилардир.

Бобур СОБИРОВ, ЎА шарҳловчиси.

Қайта киритилди

Исроил бронетехникаси Дайр эл-Балоҳ қочоқлар лагерига қайта киритилган. Исроил ҳарбийларининг айтишича, улар террорчиликда айбонлаётган фаластинликларни қидиришмоқда. "Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, 40 га яқин бронетехника Ал-Буррайж қочоқлар лагерига ҳам киритилди.

Зилзила

Палуа-янги Гвинея қирғоқбўйи ҳудудларида кучли зилзила содир бўлган. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,6 баллга тенг бўлди. Айни пайтда икки киши ҳалок бўлганлиги ҳақида маълумот тарқатилган. "Ассошейтед Пресс" агентлигининг маълумотига кўра, зилзила маркази мамлакат пойтахти Порто-Морбеш шаҳридан 850 километр узоқликда жойлашган.

57-сессия очилади

Бугун Нью-Йоркда БМТ Бosh Ассамблеясининг 57-сессияси очилади. Ташкилот Хавфсизлик Кенгашининг сессияда муҳим воқеалардан бири бўлиши кутилаётган маҳсул мажлиси халқаро террорчиликка қарши кураш масалаларига бағишланади. Эртага бўлиб ўтадиган ушбу йиғинда ташки ишлар вазирлари иштирок этишади.

Сайёҳлар овоз қилинди

Колумбияда Миллий овозлик армияси исёнчилари август ойида гаровга олинган 27 нафар сайёҳлардан 10 нафарини озод қилган. Исёнчилар қолган кишиларнинг яқин куларда қўлиб юборилишини ҳам маълум қилишган.

Интернетга чиқа олади

"Би-би-си" маълумотига кўра, озод қилинганларнинг 4 нафари аёл ва 6 нафари эркек кишилардир.

Бобур СОБИРОВ, ЎА шарҳловчиси.

Қайта киритилди

Исроил бронетехникаси Дайр эл-Балоҳ қочоқлар лагерига қайта киритилган. Исроил ҳарбийларининг айтишича, улар террорчиликда айбонлаётган фаластинликларни қидиришмоқда. "Рейтер" агентлигининг хабарига кўра, 40 га яқин бронетехника Ал-Буррайж қочоқлар лагерига ҳам киритилди.

Зилзила

Палуа-янги Гвинея қирғоқбўйи ҳудудларида кучли зилзила содир бўлган. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,6 баллга тенг бўлди. Айни пайтда икки киши ҳалок бўлганлиги ҳақида маълумот тарқатилган. "Ассошейтед Пресс" агентлигининг маълумотига кўра, зилзила маркази мамлакат пойтахти Порто-Морбеш шаҳридан 850 километр узоқликда жойлашган.

Advertisement for the Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) Program (2003-2004). It features a globe and the slogan "Let's study in Japan!". The text describes the program's objective to provide academic research opportunities at Japanese higher educational institutions. It lists 22 participating Japanese institutions across various regions like Andijan, Bukhara, and Fergana. It also provides application details, including a deadline of November 8, 2002, and a website for more information: http://www.jds.uz.



Мўъжизаси ҳам, жозибаси ҳам ўзгача

Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллик тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакатимизда яна бир катта байрам — теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнири бошланди.

Ўзига хос мактаб

Ушбу турнирда дунё теннисининг тан олинган усталари, таъбир жоиз бўлса, қироллари иштирок этмоқда. Зеро, пойтахтимизга ташриф буюрган спортчилар орасида жаҳон теннис рейтингининг иккинчи, учинчи, тўртинчи ўринларидан мустақкам жой олган Марат Сафин, Томми Хаас ҳамда Евгений Кафельников сингари юлдузлар бор.

Аслида-ку, «Президент кубоги» халқаро турнирида спортнинг мана шу гузал, жозибалор ва оммабоп тури муҳлисларининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлган катта ракетка усталарининг иштирок этиши одат тусига айланган. Ҳатто, айни мусобақа 2000 йилда АҚШ очик биринчилиги билан Сиднейдаги Олимпиадада турнир каби қудратли «тегирмон тоши» орасига тушиб қолганда ҳам ўзининг юқори даражадаги нуфузини сақлаб қолган эди. Ушундан ҳам дунёнинг йиллардан ортқ мамлакатининг энг номдор теннисчилари Нью-Йоркдаги US Open турниридан ер курагининг армини босиб, «Президент кубоги» мусобақаларига қатнашишни ихтиёр этдилар. Ваҳоланки, уларнинг аксарияти Нью-Йоркдаги беллашуларни якун-

лаб, қисқа фурқатли танаффусдан сўнг Сидней Олимпиадасига йўл олишлари лозим эди. Аммо Е. Кафельников ва Марат Сафиндан ташқари, Карлос Мойя, Грег Русеакси, Седрик Пйолли, Дэвид Сангвинетти каби ўнлаб дунёнинг дoston бўлган теннисчилар «Президент кубоги» турнирига барибир етиб келишди.


«Президент кубоги»нинг бор мўъжизаю жозибаси шунгина эмас. Негаки, ушбу турнир жаҳон теннис кортларида ўзининг гузал ўйинлари билан барчанинг ҳайратига сабаб бўлган спортчиларга машқурдигу шон-шукратнинг янги-янги пилдоповлари сари етакловчи ўзига хос мактабга ҳам айланган. Бундан икки йил муқаддам айнан «Президент кубоги» халқаро турнири жаҳонга бор-йўй йитирма ёшли навбатдаги биринчи рақамли теннисчини ҳаёта этганлиги фикримиз далилидир. Елингизда бўлса, у — Марат Сафин эди. «Тошкентда ўтадиган мусобақаларда қатнашиш менга завқ бағишлайди. Чунки мен бу ерда ҳар доим муҳлисларнинг чин дилдан қўллаб-қувватлашларини ҳиё қилиб тураман», деганида у минг бор ҳақ эди.

Сассон Какишурининг эътирофи

Кунги кеча маъмур мусобақанинг асосий баҳслари учун бўлиб ўтган қуръа ташлаш маросимида «Президент кубоги» турнирининг асосчиларидан бири Сассон Какишурининг «Ўзбекистон жаҳонда теннисга ўта ривожланган давлатлари сафидан жой олди», — дея билдирган эътирофи барчанинг ёдида қолди. Аслини айтганда, бу эътирофда асло муболага йўқ. Зотан, бугун юртимизнинг қай бир гушасига борманг, замонавий ва муҳташам теннис кортларига кўзингиз тусади. Теннис ўзининг нафислиги ва гузаллиги билан турли ёшдаги кишилар ўртасида эътибор топди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда турли даражадаги халқаро турнирларни ўтказиш айлана тусини олди. Бу эса «Президент кубоги»нинг «АТФ-Тур» туркумидаги расмий турнирлар орасида мутасил довор қозонишида ҳам муҳим омили бўлмоқда. Энг муҳими, «Президент кубоги»

мамлакатимизда тенниснинг оммавийлашувини янада қулайтиради. Қолаверса, ушбу турнир теннисни ҳар бир мактаб, ўқув муассасаси, ҳар бир туман, ҳатто ҳар бир ойдага кириб боришдаги ўрни беқисдир. Демак, бир ҳафта мобайнида давом этажак «Президент кубоги» беллашулари миллионлаб катта теннисчиларнинг қувончли лаҳзаларини улашиб, уларга ҳайрат туйғуларини жўш уририши шакл-шубҳасиздир. Дарвоқе, кеча турнирининг асосий баҳсларида иштирок этувчи 28 ва саралаш ўйинлари «тегирмони»дан омон чиққан 4 нафар, жами 32 нафар теннисчи ўртасидаги беллашулар бошланди. Эслатиб ўтамиз, 530 миң АҚШ доллари миқдоридagi мукофот жамғармасига эга «Президент кубоги» турнири голиби 35 рейтинг очкосига, финал ўйини қатнашчиси эса 24 рейтинг очкосини олишга муваффақ бўлади. Ушбу мусобақада Ўзбекистон шарафини Олег Огоров ва Ваҳид Куденко ҳимоя қилмоқда. Биз бугундан эътиборан «Президент кубоги» турнирининг энг забардаст теннисчилари фаолияти ҳақида қисқача маълумотлар беришимиз.

Турнир юлдузлари




МАРАТ САФИН турнирнинг биринчи, жаҳонда эса иккинчи рақамли ракетка соҳибидир. У энг аввало 22 ёшга тўлди. Асли москвалик бўлган Марат айни пайтда Манте-Коррдода яшамоқда. Профессионал теннисда қатнашган ўйинлари давомида 7, 662, 636 доллар жамғарган. У ёш бўлишига қара-

масдан профессионал теннис оламини шу даражада пилдат билан кириб келдики, қисқа вақт ичида эришган ютуқлари барчанинг чинакам ҳайратига сабаб бўлди. Биргина шу йилнинг ўзида Австралия очик чемпионати ва Гамбургдаги жаҳоннинг жамоавий биринчилиги финалчиси, Франция очик чемпионати ярим финалчиси, Мянма, Эгипторлик, Монте-Карло, Торонто турнирлари чорак финалчиси айланган. Марат 20 ёшдаёқ ўзининг тақдорини ўйинлари билан теннисда тенги йўқ ва енгилмас ўйинчилар деб эътироф этилган Пит Сампрасни, Корлос Феррери ёки Николас Кифер бўладими, барча-барчани ўз ракеткаларини эрта тилофига жойлашга мажбур қилган эди. Қўриб турганимиздек, у бу йилги маъсуми янада кўтаринки руҳда бошлаб, Австралиядаги очик чемпионатда голиб чиқди. Ушбу муваффақиятларини назарда тутган мутахассис шарҳловчилар уни «Президент кубоги» бош совринини қўлга ки-

ритишига шубҳа қилишмайпти. Эҳтимол, бундай тахминларни қилишга ҳали эртадир. Лекин шуниси ҳам борки, Марат Сафиннинг Тошкентда омади ҳаминча чоғлан.

ТОММИ ХААС. 1978 йил 3 апрелда Гамбургда туғилган. Айни пайтда Флорида (АҚШ)да яшамоқда. Профессионал теннисда қатнашган ўйинлари давомида 5.191.237 доллар жамғарган. Дунёнинг учинчи рақамли теннисчиси.

Очиги, ўтган маъсумда АТРнинг кизма-из тўрт турнирида голиб чиқиб, бир ярим миллион доллар мукофотга эришганлигининг ўзи унинг истисодли теннисчи эканлигидан далолат бериб турибди. Немислар бежизга Томми Хаасга ўзининг кортдаги фаолиятини шон-шух-



рат билан якунлаган яна бир немислик теннисчи Борис Беккердан эстафета таъқисли олаётган муносиб спортчи дея қарашмайди.

Бизнингча, Томми ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон кортларида намоиши этаётган гузал ўйинлари билан ҳамоирти Борис Беккер кўрсатган санъатга янги ҳақ бағишлай олди. Томми Хааснинг ўзи Сиднейдаги Олимпиадада қўлга киритган қумуш медални катта муваффақият, деб ҳисоблайди. Елингизда бўлса, уна Олимпиададаги финал ўйинида уни Евгений Кафельников «ғўштати» қолган эди. «Президент кубоги» халқаро турнирида эса яна ҳар икки теннисчи талаба учун корта тушишди...

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Фарзандлар

Камолуни ўйлаб

Сиз суратдаги болажонларни кўриб, ҳойнаҳой бу бирор мактабдаги жисмоний тарбия дarsi булса керак, деб ўйлаётгандирсиз. Гапингизда, бироз бўлса-да, жон бор. Гарчанд, бу ерда бўлмас-да, Урганчда бунёд этилган Гимнастика марказининг дастлабки машғулотларидан лавҳа. Айни пайтда бу ерда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган 40 нафардан зиёд болалар устозлари Анастасия Леонидовнадан гимнастика сирларини кунт билан эгалламоқдалар. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган марказга қатновчилар сони тибора ошиб бормоқда.

— Мақсадимиз — фарзандларимиз соғлом ва баркамол улғайсин, — дейди устоз. — Шундай эзгу ишга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.



СУРАТЛАРДА: машғулот пайти; Гимнастика маркази биносининг умумий кўриниши.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЕВОВ, И. ШОФИЛОВ, О. ҚАМИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 777. 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базисда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Набатчи котиб — А. ОРИПОВ. Набатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Набатчи — М. ЮСУПОВ. Муваҳхид — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 22.00. 1 2 3 4 5 6

Набирама

Ватан — киндик қонинг тўқилган тупроқ, Дарахт шохлариди жилмайган япроқ, Юрган ёлларининг ёритган чироқ — Ўзбекистон, Ўзбекистондир.

Ёшлар ҳамласидан қаддин букмаган, Уларда ёнмаган, суеда чўкмаган, Олов юрғида иймон чақмаган — Ўзбекистон, Ўзбекистондир.

Мол-дунё дардида Чингизлар чаққан, Тоҳо кўз ёшлари сел бўлиб оққан,

Истиқлол туйғули юзага чиққан — Ўзбекистон, Ўзбекистондир.

Бугун дунёларни ҳайрон айлаган, Уғал-қизларни шодон айлаган, Эртанги кунини омон айлаган — Ўзбекистон, Ўзбекистондир.

Шу юрт хизматига бел бойла, болам, Муҳаббатини дилга жо айла, болам, Дегилки, ҳаминша отаму онам — Ўзбекистон, Ўзбекистондир.

Мунаввар ТУРСУНОВ.



«ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ «БОШКОММУНГАЗ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

2002 йилнинг 11 октябрида хонадонлар учун мўлжалланган G-4 русумидаги ўртача газ сарфи — 4 м3/соат, юқори газ сарфи — 6 м3/соат, қуйи газ сарфи — 0,04 м3/соат, хатолик чегараси (%) 2 Qmin < Q < Qmax +2, иш муҳити ҳарорати -20, +50 даража бўлган газ ўлчагич воситаларини (консигнация асосида) етказиб бериш бўйича тендер ўтказилади.

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Тендерда иштирок этиш учун аризалар 21 сентябрга қадар қабул қилинади. Тендерга доир қўшимча маълумотларни «Коммуналинвест» МЧЖ ва «Бошкоммунгаз» республика давлат корхонасидан олиш мумкин. Манзилимиз: 700035, Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй. Мурожаат учун телефонлар: (3712) 34-05-12, 133-94-41, 133-94-47, факс: 136-09-64. E-mail gaztech@sarcor.uz

AMERICAN COUNCILS FOR INTERNATIONAL EDUCATION ACTR-ACCELS

Диққат, ўқувчилар: Сиз АҚШда ўқишни истайсизми?

Шаҳар	Имтиҳон кунлари	Имтиҳон ўтказиш жойи
Фаргона	17 сентябрь	Фаргона давлат университети
Термиз	17 сентябрь	Термиз академик лицейи
Нукус	21 сентябрь	Нукус давлат университети қошидаги лицей
Наманган	20 сентябрь	Мухандис-педагогика институти
Бухоро	26 сентябрь	Малака ошириш институти
Қарши	29 сентябрь	Қарши давлат университети
Урганч	24 сентябрь	3-ўрта мактаб
Тошкент вил.	1 октябрь	Ҳозирча номаълум
Самарқанд	2 октябрь	Чет тиллар институти
Андижон	5 октябрь	Андижон давлат университети
Тошкент	11-13 октябрь	Ҳозирча номаълум

Тестлар соат 9.00да бошланади.

Каттачиқларга қўйилган талаблар: FSA — FLEX дастурида қатнашишни истаганлар қуйидаги барча талабларга жавоб беришлари шарт: 1986 йил 1 январдан 1987 йил 15 июлгача туғилган. 9-10-синф ёки академик лицей ва коллежаларнинг 1-2-курсда ўқийдиган. Сўнги 5 йил ичида АҚШда 3 ойдан ортқ яшамаган. Америка иммиграция визасига ариза бермаган. Ўрта мактаб даражасида инглиз тилини биладиган. Ўзбекистон фуқароси бўлган. АҚШ визасини олишга лавқатли бўлган. Қатнашчилар ўзлари билан тузилганликлари ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхасини, паспорт ҳажмидаги фотосурат ва рўқча олиб келишлари шарт. Конкурсад, шунингдек, жисмоний ногирон ўқувчилар ҳам қатнашиши мумкин.

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари: Тошкент: 152-12-81, 152-12-86. Самарқанд: 31-18-16, 31-22-08. Бухоро: 4-22-46. Наманган: 6-27-50, 6-19-19. Нукус: 222-89-57, 222-88-67.

АКСЕЛС ташкилоти АҚШ элчихонаси, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирлиқларига дастурни қўллаб-қувватлаганликлари учун миннатдорчилик билдирди.

Маъмур дастур АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилди.

ЗАВОДНИНГ РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН **БЕНЗИН ҚҀЙИШ КОЛОНКАЛАРИ** (НАРА 4216, 2816) ва **ЭХТИЁТ ҚИСМЛАРИ** таклиф этади. Завод мутахассислари томонидан ўрнатиб ва сошлаб берилди. Телефонлар: 144-28-44, 144-28-04, факс: 144-28-28

Винрок Интернет Ш. Проект женской инициативы по созданию ресурса для женщин. Wi. Винрок Интернет Ш. Холдинг-компания инициативы по созданию ресурса для женщин.

WINROCK INTERNATIONAL Women's Integrated Legal Literacy Project **ЁШ РАССОМЛАР ТАНЛОВИ** Винрок Интернет Ш. «Аёллар интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги лойиҳаси» ўзининг «МАДАНИЯТ» дастури доирасида ва АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлигининг (USAID) ёрдами билан ёш рассомларнинг «Ижтимоий плакат» жанридаги танловини эълон қилади. Танлов мавзулари: аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги, оиладаги зўравонликни олдини олиш. Маъмур танловда қуйидагилар иштирок этишлари мумкин: 35 ёшгача, ижодий малакага эга бўлган ёш рассомлар, шунингдек, рассомчилик олий ўқув юртилари, мактаблари ва коллежалари талабалари. Танлов голиблари пул ютуқлари ва «Танлов голиби» деб номланган сертификатлар билан тақдирланадилар. Танловда иштирок этиш учун талабномаларни қабул қилишнинг охири кун — 2002 йил 20 сентябрь. Танлов ишларини қабул қилишнинг охири кун — 2002 йил 30 октябрь. Танлов ўтказиш санаси — 2002 йил 6 ноябрь. Талабномалар формаси ва тўлиқ маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Винрок Интернет Ш. «Аёллар интеграциялашган ҳуқуқий саводхонлиги лойиҳаси», 700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Х. Сулаймонов к., 33-уй. Телефон: 120-75-86, 120-75-81. Факс: 120-75-89. E-mail: makhsud@wiwill.uz Маданият дастури мувофиқлаштирувчиси Махмуд Исроилова. Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, 700031, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ю. Ражабий к., 77-уй. Телефонлар: 152-67-23. Факс: 152-67-21.

«Искандар ФООДС» Ўзбек-Америка кўшма корхонасига тугатилади. ОКПО коди 17351956. Даво ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2-ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Искандар кўрғони. Илаци кўчаси 34-А уй. Телефон: 8(274) 22788.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети маъмурияти, табиёт фанлари факультети жамоаси Ботаника кафедрасининг собиқ мудир, доцент Адолат Лутфилла қизи УМАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таззия билдиради.